

№ 03-сонли пудрат шартномаси

2022 й. «12» 8

214-3-43-ОВ/2022-сон

Арнасой

ш.

Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи А.Саманов ва “MANSUR STORYHOUSES” МЧЖ кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари Ў.Шералиев мазкур шартномани қуидагилар ҳакида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул килиб олиш ва бунинг учун ҳак тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қуидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

СПЕЦИФИКАЦИЯ

| № | Лот рақами | Номланиши | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Суммаси |
|---|----------------|--|---------------|------|-------------|-------------|
| 1 | 22110012122950 | Арнасой туманидаги Бобур МФЙ жойлашган Ибн Сино кўчасини жорий таъмирлаш | обект | 1 | 612 000 000 | 612 000 000 |
| | | Жами | | | | 612 000 000 |

1.3.Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 3 кун ичида амалга оширади, колган 70%ни бажарилган ишлар тугрисидаги далолатнома имзолангандан сунг 5 банк иш куни ичида қабул килиш далолатномаси,хисоб-фактура в.б. асосида тулайди.

1.4.Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул килиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб хисобланади.

2.Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 %и микдорида бунак туловларини амалга оширади. Ишларни қабул килишда аниқланган нұксон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охирги, узил-кесил, хисоб-китобни амалга оширади.

2.2 Мазкур шартнома Газначилик органларида руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал киласи.

3.Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлгансифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул килиш, тушириш, тахлаш хамда саклашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсус ташкилотлар билансубудрат шартномаларини тузгани түғрисида буюртмачига ахборот берishi ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишига йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қўриклаш бўйича зарурий чоратадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қўйидаги ҳукукларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳак тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳукукига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳакида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиши ва қабул қилиши, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишилар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳакида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган хисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳак тўлаш.

3.4. Буюртмачи қўйидаги ҳукукларга эга:

3.4.1. Хар қандай вактда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вактда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

4.Шартноманинг баҳоси ва хисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **612 000 000 (Олти юз ун икки миллион) сўмни ташкил** килади.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган хисоб-китоб хисобварагига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5.Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига кечикирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

6.Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирилаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий оғатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этайдиганлигини Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид карорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиги бўлиб хисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон кадар тезда хабар бериши лозим.

7.Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон кадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни иқтисодий судда кўриб чиқишига топширадилар.

8. Коррупцияга қарши талаблар

8.1. Ушбу шартноманинг хар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив хужжатларидағи Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал килишини кафолатлади.

9. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага хар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, хар иккала тараф имзоланиб, Газначилик органларида руйхатдан утгандан сунг ҳақиқий кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган заарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор килишга ҳакли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

9.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳакли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлик бўлмаган сабаблар буйича курилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

9.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргалиқдаги қарори буйича шартнома бекор килинганда, буюртмачига тугатилмаган курилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аникланган бажарилган ишларнинг ҳажми кийматини тулайди.

9.6. Шартномани бекор килишга қарор килган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

10. Якуний қоидалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар факат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Газначилик органларида руйхатдан утгандан сунг ҳақиқий хисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва teng кучга эга. Тарафларнинг хар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

10.3 Шартномагайлова

11. Томонларнингюридик манзиливареквизитлари:

| «Ижрочи» | «Буюртмачи» |
|--|---|
| “MANSUR STORY HOUSES” МЧЖ | Арнасой туман Ободонлаштириш • бошқармаси |
| (етказиб берувчининг (пудратчининг) номи) | (буюртмачининг номи) |
| Манзил: Жиззах вилояти Зомин тумани Бунёдкор МФЙ А. Темур кўчаси -7 | Манзил: Арнасой туман Алломишиш кўчаси 1-й |
| Тел./факс _____ (х/в ёки ш/х) 20208000505143793001 | Тел./факс _____ ш/х 100022860082017045203110002 |
| Банк номи: Агробанк Зомин тумани филиали | Ташкилотнинг СТИР 200331524 |
| ИНН: 306 867 894 | ОКОНХ: |
| МФО:00131 | Газначилик бўлинмасиноми: Арнасой тумани |
| ОКОНХ: | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги: ЯФХ 23402000300100001010 |
|  Рахбар MANSUR STORY HOUSES LLC (имзо) (Ф.И.Ш) | Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ) МФО:00014 |
| | Газначилек бўлинмаси СТИРИ: 201122919 |
| | Буюртмачи рахбари:  А.Саманов (имзо)(Ф.И.Ш) |



O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI
JIZZAX VILOYATI ARNASOY TUMANI OBODONLASHTIRISH
BOSHQARMASI

130200 Arnasoy tumani Bobur MFY N.Xolmurodov ko'chasi Tel (8372) 372-11-32

“12” 08 2022 йил

№ 42

Бобур МФЙ

МАЪЛУМОТНОМА

Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармаси 214-3-43-ОВ/2022-сонли 4-гурух 612 000 000 сўмлик «MANSUR STORY HOUSES» МЧЖ билан тузилган шартнома “adm.ijro.uz” тизимидағи хотоликлар туфайли QR-код кўйилмаганлиги сабабли қўлда имзоланди ва муҳур билан тасдиқланди. Ушбу шартномага 12.08.2022 йил CH0075850315 рақамли хулоса берилган ва юридик кучга эга.

Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи:

А.Саманов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

CH0075850315

1.Loyihaning turi – shartnoma.

2.Loyihaning nomi – 612 000 000 (Olti yuz o'n ikki million) so`mlik
03 - sonli pudrat shartnomasi.

Shartnoma tomonlari:

Buyurtmachi - Arnasoy tuman obodonlashtirish boshqarmasi nomidan
Nizom asosida faoliyat yurituvchi rahbar A.Samanov.

Pudratchi - “MANSUR STORYHOUSES” MCHJ nomidan Ustav asosida
faoliyat yurituvchi jamiyat rahbari O’.Sheraliyev.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana – Arnasoy tuman
obodonlashtirish boshqarmasi 2022 yil 12 avgust.

4.Loyiha bo‘yicha taklif va e’tirozlar:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Ushbu shartnoma loyihasini rasmiylashtirishda O’zbekiston
Respublikasining 2021 yil 22 apreldagi O’RQ-684-sonli “Davlat xaridlari
to‘g‘risida”gi Qonuni xamda O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil
27 sentyabrdagi “O’zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi
Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3953 sonli Qarori
talablariga rioya qilishingiz tavsiya etiladi.

**Arnasoy tuman yuridik
xizmat ko‘rsatish markazi**



12.08.2022 yil

Арнасой туман Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи

А.Саманов
«09» 08 2022 йил

Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармаси учун бюджет маблаглари хисобидан курилиш-таъмирлаш ишлари бажариш учун пудратчиларни аниклаш бўйича танлов ўтказиш комиссиясининг

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 02/02

“09” 08 2022 йил

Арнасой тумани

Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармасининг танлов комиссияси аъзолари
куйидаги таркибда

КАТНАШДИЛАР:

А.Саманов - бошкарма бошлиги
Ш.Худойкулов- бошкарма бош мухандиси танлов комиссиясининг котиби

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

| М.Адилов | Бош хисобчи (аъзо) |
|------------|------------------------------|
| Х.Суяров | Техник ходим (аъзо) |
| Н.Файзиев | булим бошлиги (аъзо) |
| Д.Жайнаров | Техник ходим (аъзо) |
| Б.Болтаев | Техника хавфсизлик мухандиси |

КУН ТАРТИБИ

1. Арнасой туман хокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси тасарруфида бўлган ички хўжалик йўлларини (шахар автомобиль йўлларини, шахар ички хўжалик йўллари, туман марказлари автомобиль йўллари, туман хўжаликлараро (қишлоқ) автомобил йўллари, туман/шахар посёлкалари автомобил йўллари) га қарашли Арнасой туманидаги Бобур МФЙ худудида жойлашган Ибн Сино кўчасини жорий таъмирлаш бўйича маҳсус ахборот парталига жойлаштирилган иш хизматлар тўғрисидаги 2022 йил 18 июнь №122950-сонли лот раками билан берилган эълонга талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқиши ва танлов ғолибини аниқлаш.

2. Комиссия аъзолари Арнасой туман хокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси тасарруфида бўлган ички хўжалик йўлларини (шахар автомобиль йўлларини, шахар ички хўжалик йўллари, туман марказлари автомобиль йўллари, туман хўжаликлараро (қишлоқ) автомобил йўллари, туман/шахар посёлкалари автомобил йўллари) га қарашли Арнасой туманидаги Бобур МФЙ худудида жойлашган Ибн Сино кўчасини жорий таъмирлаш учун талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиб «Аббос Абдурасул» МЧЖ танловда иштирок этишдан бош тортганлиги сабабли кейинги иштирокчилардан бири «MANSUR STORY HOSES» МЧЖ нинг таклифи буюртмачининг барча талабларига жавоб беришини аниқлади.

Комиссия аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини эшишиб ва ўрганиб чиккан холда танлов комиссияси

ҚАРОР КИЛАДИ:

1. Арнасой туман хокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси тасарруфида бўлган ички хўжалик йўлларини (шахар автомобиль йўлларини, шахар ички хўжалик йўллари, туман марказлари автомобиль йўллари, туман хўжаликлари (кишлок) автомобил йўллари, туман/шахар посёлкалари автомобил йўллари) га қарашли Арнасой туманидаги Бобур МФЙ худудида жойлашган Ибн Сино кўчасини жорий таъмираш учун (келишилган нархларда **612 000 000** сум, товар (ишлар, хизматлар)ни истагини билдирган тўлаш бўйича товар (ишлар, хизмат) ларни бажариш буйича тақдим этилган таклифи энг маъқул ва максадга мувофик деб топилсин ва бу талабгор танлов ғолиби деб топилсин.

2. Танлов ғолиби пудратчи таклифига кўра бажариладиган ишларга (икки кун давомида танлов иштирокчилари пудратчи ташкилотлар томонидан хеч кандай эътиroz ва таклифлар) бўлмаганлиги сабабли электрон танлов ғолиби «MANSUR STORY HOSES» билан шартнома тузиш мақсадга мувофик деб топилсин.

Бахолаш комиссиясининг танлов ғолибини танлаш баённомаси барча иштирокчиларга ўқиб эшиттирилди ва унинг тузилиши тўғри деб топилди.

Ш.Худойкулов
М.Адилов
Н.Файзиев
Х.Суяров
Д.Жайнаров
Б.Болтаев

